

## **ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АХАМИЯТИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
2-ўқув курси курсанти  
**Тураева Чаросхон Акмал қизи**

**Аннотация:** Уибу мақолада хотин-қизларнинг содир этган ва содир этиши мумкин бўлган жиноятлари, уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, шунингдек уибу сабаб ва шарт-шароитларни олдини олишининг долзарблиги, ахамияти, бугунги кунда аёллар томонидан содир этилган жиноятычиликнинг аҳволи ва статистик малумотлар ҳамда хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларни камайтириши бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар жиноятычилиги, статистик малумотлар, бугунги кунда аёллар жиноятычилигининг аҳволи, жиноятга имкон бераётган шарт-шароитлар, жазони ижро этиши муассасаларида жазони ўтаётган аёллар сони, ижтимоий реабилитация.

## **ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СОВЕРШАЕМЫЕ МЕЖДУ ЖЕНЩИНАМИ И ДЕВОЧКАМИ, И ВАЖНОСТЬ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ СЕГОДНЯ**

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются преступления, совершаемые и могут совершаться женщинами, условия, которые позволяют их совершить, а также актуальность и важность предотвращения этих причин и условий, состояние преступности, совершенной женщинами сегодня, а также статистические данные, а также как женщины- речь пойдет о проводимой работе по снижению преступлений, совершаемых девушками, и их результатах.

**Ключевые слова:** Женская преступность, статистика, состояние женской преступности сегодня, условия, делающие возможной преступность, количество женщин в местах лишения свободы, социальная реабилитация.

## **CRIMES COMMITTED BETWEEN WOMEN AND GIRLS AND THE IMPORTANCE OF THEIR PREVENTION TODAY**

**Annotation:** In this article, the importance of the legal framework and the legal basis of the law firm in ensuring the rights and freedoms of the individual in the criminal process, the collection and proof of evidence, the defense's implementation of proof through the evidence collected during the trial, and the problems that arose in this process are analyzed and proposals for their solution are presented.

**Key words:** *criminal procedure, criminal case, bringing the case to court, evidence, proof, ensuring the rights and freedoms of the individual, advocacy institute and its legal significance.*

“Ҳам, оила, ҳам бола тарбияси билан шугулланиши билан бирга, ўқиши, иш ёки тадбиркорликни олиб бориш катта матонат талааб қиласи”, ”.

**Ш.М.МИРЗИЁЕВ**

Жамиятнинг, давлатнинг эртаси бевосита халқнинг келажаги бўлмиш ёш авлодни дунёга келтириб, тарбиялаётган аёлларнинг қўлидадир десак муболага бўлмайди. Аммо, халқнинг фарзандларини, юртнинг эртасини тарбия қилаётган оналар ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиши керак бўлган қизлар ҳақида сўз борганда жиноятчи сўзини уларга низбатан қўлланиши, жуда аянчли ва оғриқли юkdir.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-хуқуқий муҳофазаси мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиши, барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зоро, гендер тенгликка эришиш барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Аёлларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши, жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омиллардан биридир.

Хотин-қизларга бўлган юксак эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар натижасида бугунги кунда аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеи ошди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги (CEDAW) Конвенциясига қўшилди. Мамлакатимиз ҳукумати 2001 йил январида БМТнинг CEDAW бўйича қўмитасига мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан ҳисобот тақдим этди. Ушбу Қўмита тавсиялари асосида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ва тегишли тузилмалар, давлат ва нодавлат ташкилотларини жалб этган ҳолда амалга оширилди.

Аммо, халқнинг фарзандларини, юртнинг эртасини тарбия қилаётган оналар ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиши керак бўлган қизлар ҳақида сўз борганда жиноятчи сўзини уларга низбатан қўлланиши, жуда аянчли ва оғриқли юkdir. Дарҳақиқат, ижтимоий хавфли ходиса бўлган жиноятчилик барча даврларда жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий усткурмаларига шикаст етказади. Аёллар томонидан жиноятлар содир этилиши эса ушбу жараённи икки карра тезлаштиради. Чунки ҳар бир аёл у жамиятда қандай вазифани бажармасин, аввало, она – оиланинг маънавий тарбиячиси ҳисобланади. Аёлнинг жиноят содир этиши ортида жамиятнинг маънавий таназзули ётади.

Аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг таркибий қисмини ифодалаб, тарихий ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлган ҳодисадир. Аёллар жиноятчилиги фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга ҳодиса сифатида аёлнинг жамиятдаги ўрни ва унинг психофизик хусусиятлари билан ўзаро боғланган.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг умумий ўсиш тенденцияси алоҳида олинган бир даврда бир мунча камайганига қарамасдан ошиб бориши қайд этилмоқда. Криминологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, содир этилган жиноятларда аёллар сонининг ўсиш суръати эркак жинсига мансуб жиноятчилар кўрсаткичларидан ўзиб кетмоқда.

Аёллар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиш фактлари фаол сақланиб қолинмоқда. Бунда ўғрилик ва фирибгарлик жиноятлари катта улушни ташкил қиласи. Нозик хилқат вакиллари жиноий фаолиятининг ўсиши айниқса, иқтисодиёт соҳасида ортиб бориши кузатилмоқда. Аёллар жиноий хулқ-автори учун банк фаолияти соҳасида ва қимматли қоғозлар бозоридаги ноқонуний фаолият хос бўлиб қолмоқда. Аёллар томонидан камдан-кам ҳолларда босқинчилик ва талончиликка қўл урилади. Улар ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш жиноятларини кўпроқ содир қиласа, эркакларда эса ўғрилик, босқинчилик ва талончилик жиноятларини кўп содир этади. Ушбу ҳолат аёллар ва эркаклардаги жисмоний кучнинг турличалиги ва ижтимоий ролларнинг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Аёлнинг жиноят содир этиши ортида жамиятнинг маънавий таназзули ётади. Аёллар жиноятчилиги яни, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг йифиндисини ўрганишда айнан аёл жинсига мансуб шахсларнинг жиноят содир этишига таъсир кўрсатувчи криминологик омиллар ва сабабларга эътибор берилмоғи зарур. Аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг тузилишида, ижтимоий шарт-шароитларга қараб ўзгариб борадиган, шу билан бир вақтда умуман жиноятчиликдаги ўзгаришларни тақороламайди. Юқорида қайд этилган сабабларга кўра, аёллар жиноятчилиги жиноятчиликнинг ўсиб боришга мойил бўлган мустақил қисмини ташкил этади.

Аёллар жиноятчилиги сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики, аёлларнинг жиноятга қўл уриши сабаблари турли-тумандир. Бунда – моддий қийналганлик, ишсизлик, оилавий алоқаларнинг мўртлиги, ижтимоий назоратнинг пастлиги, ахлоқий қадриятларнинг шаклланмаганлиги, маънавий дунёқараашнинг торлиги, ўз-ўзини назорат қилишнинг етишмаслиги, аёлларга нисбатан чиқарилаётган суд хукмлари ҳамда қарорлари, ажримлари тарбиявий таъсирининг пастлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Ўрганишларга кўра, аёл фарзандига нисбатан зўрлик ёки камситиш аломатларини кўрганида, яшаш учун курашнинг бошқа турлари қолмади, деб ҳисобланганда рухиятидаги ўзгаришлар сабаб айни шу йўлни танлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларимизни қийнайдиган кўплаб муаммоларнинг илдизи улар билимларининг етишмаслиги, ўз хуқуқларини етарли даражада талаб қила олмаслигига бориб тақалади. Афсуски, орамиздак оиласдаги ажримлар, келишмовчиликлар сабаб уйсиз, жойсиз қолаётган, ҳаттоқи, болаларининг таъминоти учун ҳам пул талаб қила олмаётган аёлларимиз бор.

Бундан ташқари, кўпчилик ҳолатларда, хулқ-атвори оғир бўлган аёлларнинг шакланишига оилавий шароитлар, ота-онанинг ёки яқинларнинг ичкиликбозлиги, уларнинг ахлоққа зид хулқ-атворлари салбий таъсир ўтказади. Хулқи оғишган аёллар учун одатда, ҳаётга, умуман этироф этилган нормаларга зид муносабат ҳосил бўлиб, охир-оқибатда бу уларни яқинларига қарама-қарши қилиб қўяди. Аксарият ҳолларда, ҳукуқбузар аёллар ички салбий муносабат натижасида оилада ўз ўрнини топа олмаган бўлиб чиқади. Дастлаб хулқ-атвори нормада бўлган аёл, ўзига нисбатан ноҳақликлар, носамимий муносабат, камситиш, таҳқирлаш, тан олмаслик, паст назар билан қараш ва сурункали таъзийклар натижасида ўз хулқини мажбуран ўзгартиришга мажбур бўлади. Бунга мисол қилиб баязи оилаларда ҳалигача сақланиб қолган аёлга хизматкор сифатида қараш, уга нисбатан қилинаётган турли зўравонликларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, айрим аёлларда менсинмаслик, тарбиясизлик, ҳаёсизлик ва бошқа характерологик хусусиятлари натижасида уларда девант хулқ-атвор яни ҳукуқ нормаларини бузишга моил ҳулқ-атвор шаклланади ва бу аёлнинг гайрижтимоий қилмиш содир этишига йўл очиб беради.

Республикамида хотин-қизлар жиноятчилигини тўхтатиш ва уларнинг олдини олш борасида янгидан-янги давлат дастурлари йиллик ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли режалар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, аёллар бандлигини таъминлаш борасида Президентимиз томонидан катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Замонавий интеллект ва инновация бирлашган жойда аёллар учун ҳам янгидан-янги имкониятлар яратилади. У ҳатто уйда ўтириб илғор АҚТ ёрдамида ишлай олади, ўқиб-ўрганиб, янги касбларни эгаллайди. Шунинг учун ҳам айни пайтда амалга оширилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Натижада ахборот технологиялари соҳасида нафақат ўғил болалар, балки қизларнинг салоҳиятини кашф этиш эшиклари кенг очилади. Боз устига, қизларда нозик бармоқлар, нафис тасаввурдан сув ичадиган фантазия, ижодкорлик бор. Фақатгина уларни юзага чиқариш керак, холос. Бундай ишларни нафақат дастурий таъминот, балки заргарлик, телефонларни созлаш каби йўналишларда ҳам амалга ошириш мумкин.

Бир марталик ишлар масаласи ҳам долзарб. Бу борада янгича қарашлар, тузилмаларга эҳтиёж бор. Шундай агентликлар, мономарказлар ташкил қилиш керакки, хотин-қизларга ҳам уларнинг хизматларидан бирдек фойдаланиш имконияти яратилсин. Шунда аёллар мардикорлиги, уларнинг зўравонлик қурбонига айланишлари, алданишлари, турли салбий йўлларга кириб кетишининг олди олинади.

Шундай экан, энди муаммоларнинг оқибати билан ишлаш вақти ўтди. Уларнинг олдини олишга қатъий киришиш вақти аллақачон келган. Буни эса оиладан бошлаш керак ва шу бўйича қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп.

Сабаби узоқ йиллар давомида мазкур масалага комплекс ёндаша олмадик. Бундай ҳолат ҳамон мавжуд. Ҳар бир давлат идораси муаммо юзага келиб, жамиятимизда кўндаланг турганидан кейингина унинг оқибатлари билан курашишга мажбур бўлмоқда. Аслида уларнинг барчасини оиладаги тарбияни тўғри ташкил қилиш орқали ҳал этиш мумкин. Одамларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш, давлатга, оиласига,

жамиятга нисбатан муносабатини ўзгартириш, масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш эса ўзаро аҳилликни, давлатимизнинг халқчил сиёсати остида жипслashiшини талаб қиласди.

Бундай эзгу ишларга бағрикенг, меҳнаткаш, зукко, фаҳм-фаросатли, оқила, меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига ишонаман. Уларнинг гўзаллиги, юзларидағи самимий кулги, байрамона рух, кўтаринки кайфият эса халқимизнинг забардаст инсонлари кучига куч, ғайратига ғайрат, илҳомига илҳом қўшиши, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яна бир муҳим қадам қўйилди. Мақсад аниқ ва улуғвор, ҳаракатда эса ҳамоҳанглик бўлиши зарур. аёлнинг нозик қўлларига кишан эмас, гул, қалбига ёвузилик эмас, эзгулик ярашади. У жамиятимизнинг кўрки бўлмоғи лозим. Унинг тилларидан пушаймонлик, афсус ноласи эмас, аллалар учсин, баҳтдан, толедан куйласин. Бунинг учун эса аёллар қонунбузарлигининг олдини олиш фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ёки тегишли ташкилотларнинггина эмас, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцичси: Т-2023
- “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ти қонун.Т:-2019
- ” Хотин-қизларни таъзийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси қонуни, Т:-2019.
- Аёл ҳуқуқлари шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий негизлари: Ўқув қўлланма / М.М.Инагамова. –Т.: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2012.
- Аёлларга ҳуқуқий мадад еки хотин қизларниинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазаси Ўқув услубий қўлланма / Қ.Р.Абдурасурова,Т.Б.- Т.: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2022.
- Ҳалқаро ва миллӣ қонунчиликда Аёл ҳуқуқлари Ўқув қўлланма / М.М.Инагамова. –Т.: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2010.
- Танзила Норбоева-Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси. «Ўзбекистонлик хотин-қизлар илм, маърифатга йўғрилган ислоҳотлар, эзгу ишлар йўлида она Ватан равнақига муносиб хисса қўшмоқда..»нутқидан <https://strategy.uz/index.php?news=879>.
- Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман судининг раиси М.Хакимов. нутқидан парча <https://nor.uz/?p=16087>.